

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖАРЫЛКАСЫНОВА ГАУХАР ЖАНУЗАКОВНА

**АНЕМИЯ: ТАРҚАЛИШИ, ЭТИОЛОГИК СТРУКТУРАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА АНТИАНЕМИК ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА
ФАРМАКОЭКОНОМИКАСИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Жарылкасынова Гаухар Жанузаковна

Анемия: тарқалиши, этиологик структураси,
Ўзбекистон аҳолиси ўртасида антианемик дори воситаларининг
фармакоэпидемиологияси ва фармакоэкономикаси..... 3

Жарылкасынова Гаухар Жанузаковна

Анемия: распространенность, этиологическая структура,
фармакоэпидемиология и фармакоэкономика антианемических
лекарственных средств в популяции Узбекистана..... 27

Jarilkasinova Gaukhar Januzakovna

Anemia: prevalence, etiological structure, pharmacoepidemiology
and pharmacoconomics of antianemic drugs in the population of
Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЖАРЫЛКАСЫНОВА ГАУХАР ЖАНУЗАКОВНА

**АНЕМИЯ: ТАРҚАЛИШИ, ЭТИОЛОГИК СТРУКТУРАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ЎРТАСИДА АНТИАНЕМИК ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ ФАРМАКОЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА
ФАРМАКОЭКОНОМИКАСИ**

14.00.05- Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.DSc /Тиб389 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мавлонов Искандар Рахимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Даминова Лола Тургунпулатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Махмудова Азиза Джумановна
тиббиёт фанлари доктори

Захидова Машхура Зияматовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Кубан давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Тиб.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» ИЮЛ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: ta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» ИЮЛ да тарқатилди.

(2021 йил «10» ИЮЛ даги 09 рақамли реестр баённомаси)



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Темир танқислиги анемияси замонавий жамиятда энг кўп тарқалган ва ижтимоий аҳамиятга эга патологиялардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра “...ер юзида 1 миллиардга яқин инсонларда темир танқислиги мавжуд. Ҳатто Европа ва Шимолий Американинг ривожланган мамлакатларида ҳам темир танқислиги анемиясидан туғиш ёшидаги барча аёлларнинг 7,5-11% азият чекмоқда ва 20-25%да темирнинг яширин танқислиги кузатилмоқда...”¹. Қон ҳосил қилиш тизимидаги барча касалликлар ичида анемиялар ҳиссаси 70-75% га тўғри келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида темир танқислиги анемияси билан касалланиш даражаси ҳали ҳам юқори даражада кузатилмоқда, унинг натижасида аҳолини ёш қатлами соғлигини сақлаш ва касалликни даволашни оптималлаштириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида фармакоэкономика ва даволашни дифференцирловчи усулини танлаш масалалари биринчи ўринда туришини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу муаммони ўрганиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Анемиянинг ижтимоий аҳамияти унинг кенг тарқалганлиги ва болалик ҳамда қарилик ёшидаги аҳоли саломатлигига салбий таъсири билан аниқланади. Анемия жисмоний фаоллик, умумий меҳнатга лаёқатлилик, хотира, ақлий фаолият, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ва ижтимоий фаолликнинг пасайишида асосий омиллардан бири ҳисобланади, беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Давлат миқёсида анемия билан касалланган беморларни парваришлаш, уларнинг диагностикаси ва даволаниши кўпинча катта иқтисодий харажатлар билан боғлиқ. Организмнинг турли тизимларини ҳолатига салбий таъсир кўрсатган ҳолда, анемия муддатидан олдин ногиронлик ва ўлимга олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш ва самарали ташхислаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигини ташхислашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга олиб чиқиш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш натижасида ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

¹ World Health Organization. Daily iron supplementation in infants and children.//World Health Organ.-2019.-P.1-4.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи³. Даволаш усуллари кидириш ва оптимал антианемияли дори воситаларини танланишига жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқотлари бағишланган, хусусан: Оксфорд университети (АҚШ), Вашингтон университети (АҚШ), Калифорния университети (АҚШ), Вейл Корнелл номли Корнелл университетининг тиббиёт колледжи (АҚШ), Питтсбург саратон институти (АҚШ), Жамоат саломатлиги фанлар бўлими (АҚШ); Колумбия университетининг Ирвинг тиббиёт маркази (АҚШ); Мариетта тиббиёт маркази (АҚШ), Тиббиёт тадқиқот кенгаши (Буюк Британия); Эйнтри университети (Буюк Британия); Кардифф университети (Буюк Британия); Лиеж университети (Бельгия); Гёте университети (Германия); Волькит университети (Эфиопия); Эмек тиббиёт маркази (Исроил); Агра тиббиёт колледжи (Ҳиндистон); Маннейм университети (Германия); Манитоба университети (Канада); Клиник баҳолаш институти (Канада); Милан илмий текшириш институти (Италия); Женева университетининг гематология ва онкология бўлими (Швейцария); Варшава тиббиёт университети гематология бўлими (Польша), Вильнюс университети тиббиёт факультетининг жамоат саломатлиги бўлими (Литва), Земмельвайс университети гематология бўлими (Венгрия), Сибир Давлат тиббиёт университети (Россия); Гематология миллий тиббиёт текшириш маркази (Россия).

Chen J., Chen L., Mao N. (2012) томонидан фармакоэпидемиологияда ўтказилган тадқиқотлар натижаси баъзи оғир асоратлар ва белгилар маълум

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шархи: <http://oxford.university-guides.com>, www.washington.edu, <https://www.universityofcalifornia.edu>, <http://weill.cornell.edu>, <http://upci.upmc.edu>, <http://publichealth.med.miami.edu>, <https://www.mrc.ac.uk>, <http://www.ssmu.ru>, <http://www.ksma.ru>, <http://www.rudn.ru>, <http://patient.ncagp.ru>, <http://www.tma.uz> ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

дори воситаларини ноҳўя таъсири эканлигини аниқлади. Фармакоэпидемиологиянинг энг самарали воситаларидан бири рандомлаштирилган клиник тадқиқотлар (РКТ) ва далилий тиббиётнинг постулатлари ҳисобланади. Тадқиқотларнинг энг ишончли турлари турли минтақаларнинг популяцияларига тегишли бўладиган, йирик кўп марказли рандомлашган икки мартали “кўр-кўрона” плацебо назорат қилинувчи клиник тадқиқотлар ҳисобланади (Anazoeze J.M. 2016, Kerkhoff A.D. 2016, Annemarie S. 2018, Weiss G. 2015, Fraenkel P.G. 2015, Charlene L Rohm 2019, Myint Z.W. 2018, Rozier R.G. 2018, King D. 2018, Taderegew M.M. 2020, Gashaw G. 2020; Muhammad M. 2019; Naomi C. Hamm 2019, Ellison J. 2019, Naghavi M. 2017, Abajobir A.A. 2016, Abbafati C. 2017, Almilaji O., Parry S.D., Docherty S. 2021, Flores S.R.L., Nelson S. 2021).

Korcho N., Chang G. (2019) ичак эпителиал хужайраларида дори воситалари ва уларнинг субстратларини ичак бўшлиғига чиқариш (efflux) ва уларнинг сўрилишини камайтиришга жавобгар бўлган гликооксил Pgp нинг ролини белгилашди. Гликооксил Pgp нинг синтези MDR1 - multidrug resistance gene гени билан кодланади, у дорига чидамлилиқ ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Мос равишда, MDR1 экспрессиясининг ошиши Pgp гликооксил фаоллигини ошириши, унинг пасайиши эса акс ҳолатни юзага келтириши мумкин. Экспрессия даражасига ташқи муҳит шароити ёки кимёвий бирикмалар кўринишидаги турли омиллар таъсир қилиши мумкин (Chen J., Chen L., Mao N. 2012, Kamal N. 2015, Lindsay M.P. 2016, Côté R. 2015, Fang J. 2015, Kapral M.K. 2016, Hill M.D. 2018, Kendzerska T. 2017, Sadatsafavi M. 2018, Aaron S.D. 2019, Doucet M. 2016, Rochette L. 2018, Klifa R., Brouzes C. 2021).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунё миқёсида олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, темир танқислиги анемияси симптомларини бартараф этиш ва қоннинг нормал кўрсаткичларини тиклаш вазифасига ҳозирги кунда эришиш мумкин ҳисобланади. Бироқ, фармацевтика бозорида бўлган темир препаратларининг кенг assortименти билан боғлиқ қийинчиликлар мавжуд. Муқобил терапия маълум темир таркибига эга препаратларни оқилона танлашни талаб қилади. Бунда даволашда беморларнинг ёшлари, турли гуруҳларга бўлиниши ва ёндош касалликларни эътиборга олиш лозим (Дворецкий Л.И., 2017; Дроздова В.Н., 2011; Зайченко А.В., 2015; Auerbach M., 2016; Armstrong G.R., 2015; Barragán-Ibañez G., 2015).

Сўнги йилларда темир препаратлари фармакоэкономикасига бағишланган илмий ишларнинг аксарияти “харажатлар-самарадорлик” усули билан таҳлил қилиш натижаларини акс эттиради. Хусусан, П.А. Воробёв темир препарати учун нархлар бир-биридан 10-15 марта фарқ қилиши мумкинлигини кўрсатди ва шунинг учун беморлар ҳам, шифокорлар ҳам муолажалар нархи ҳамда таъсири нисбати ҳақида хавотирда эканликларини қайд этди. Бу йўналишдаги кўп илмий ишлар (Кононова С.В., 2011; Ловцова Л.В., 2013; Зуева И.А., 2011) ва бошқа бир қатор муаллифлар томонидан ҳам амалга оширилган. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонлик олимлар томонидан ҳам темир танқислиги анемиясини ўрганишда турли

йилларда қатор кенг қамровли ишлар олиб борилган (Закирова М.А., 1973; Исроилов А.А., 2012; Султанова Р.А., 2011). Бироқ, мамлакатимизда темир танқислиги анемиясининг фармакоэпидемиология ва фармаиктисодиётини тадқиқ қилиш бўйича илмий кузатувлар бажарилмаган.

Pgp гликооксилининг ичак эпителиал хужайраларида тутган ўрни анча илгари ўрганилган. У дори воситалари ва уларнинг субстратларини ичак бўшлиғига чиқаришга (efflux) ва сўрилишига хизмат қилади (Копчо Н., Чанг Г., 2019). Pgp гликооксилининг синтези дориларга чидамликни ошириш механизмини юритадиган MDR1 (multidrug resistant gen) генлари билан кодланади. MDR1 ген экспрессиясининг кенгайиши Pgp фаоллигининг ошишига, ген экспрессиясининг кичрайиши эса унинг пасайишига олиб келади. Ушбу ген экспрессиясига қатор кимёвий моддалар ва ташқи омиллар таъсир кўрсатиши мумкин (Чен Ж., Чен Л., Мао Н., 2012, Heeney M.M., Finberg K.E. 2014). Шунингдек, Pgp фаоллиги ва MDR1 гени экспрессиясининг ўзгариши, унинг полиморфизмини кўпайиши, синтез қилинган транспортёр оксиллининг фаоллиги, хужайра метаболизмининг ўзгариши, мРНК генининг барқарорлашуви хужайралар ўртасида Pgp ўтказилиши туфайли содир бўлиши мумкин (Комивес Э.А., 2019, Elstrott B., Khan L., Olson S., Raghunathan V. 2020). Ҳозирги кунда Pgp индукцияси ҳамда ингибизияси ҳодисалари, бу жараёнларнинг ривожланиш механизмлари ва клиник аҳамияти етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур йўналишда чуқур ва батафсил тадқиқотлар фармакотерапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради.

Мамлакатимизда MDR1 генининг полиморфизмини соматик патологиянинг кечишига таъсирини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, унинг ревматоид артрит даврига таъсири ва даволаш самараси борасида маҳаллий олимларимиз изланиш олиб борганлар (Абдурахманова Н.М., 2019). Бироқ MDR1 geni полиморфизмининг темир танқислиги анемиясида темир препаратларининг даволашдаги самарасига таъсири ҳозирга қадар ўрганилмаган. Шундай қилиб, мавжуд маълумотларга қарамай, барча кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, аниқ иқтисодий шароитларда темир танқислиги анемиясини даволаш учун мақбул дори воситасини танлаш масаласи тўлиқ ҳал қилинмаяпти. Шу билан бирга, темир препарати фармакогенетикасини темир танқислиги анемиясини даволашда ўрганиш жуда катта қизиқиш уйғотади, чунки бу муаммо чуқур ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишларига мувофиқ №03.2019.DSc.060 “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2021 йй).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг арид ҳудудлари аҳолиси орасида темир танқислиги камқонлигининг тарқалиши,

фармакоэпидемиологияси, фармакоиктисодиёти ва фармакогенетикасининг асосий жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўнги 10 йил ичида Ўзбекистон Республикасининг арид ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигининг эпидемиологик жиҳатларини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир препаратлари бозорининг контент-таҳлилини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси арид ҳудудларида темир препаратлари фармакоэпидемиологиясининг хусусиятларини ўрганиш;

амбулатория шароитида оғиз орқали қабул қилинадиган темир препаратлари самарадорлигининг клиник-иктисодий таҳлилини ўтказиш;

шифохона шароитида инъекцияда қўлланиладиган темир препаратлари самарадорлигининг клиник ва иқтисодий таҳлилини ўтказиш;

темир препаратларини буюришда визуал аналог шкала бўйича иқтисодий самарадорлик коэффицентини баҳолаш;

G2677T ва C3435T MDR1 генлари генотиплари ташувчилари тарқалишини темир танқислиги билан касалланган ва гемоглобин кўрсаткичи меъёрида бўлганларда таққослаш;

G2677T ва C3435T MDR1 генлари турли генотиплари ташувчиларини темир препаратлари билан ўтказилган даво самарадорлигига таъсирини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2020 йиллар давомида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг амбулатория ва шифохона шароитида даволанган темир танқислиги анемияси билан касалланган беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Ўзбекистон Республикасида 10 йил давомида темир танқислиги анемияси билан касалланиш тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида даволанган беморларда темир танқислиги анемияси ва G2677T, C3435T MDR1 генлари полиморфизми ҳолатларида фармакоэпидемиология ва фармакоиктисодиёт асосида темир препаратларидан фойдаланиш тўғрисидаги асосий маълумотлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, фармакоэпидемиологик (таркибни таҳлил қилиш, тавсифловчи усул), фармакоиктисодий (иктисодий самарадорликни таҳлил қилиш), умумий клиник (визуал аналог шкала бўйича анемик синдром ва сидеропеник синдромни ҳамда салбий таъсирларнинг оғирлик даражасини баҳолаш), лаборатор ("қизил қон" кўрсаткичлари ва ферритин даражасини баҳолаш), генетик [полимераз занжир реакцияси (ПЗР) усули ёрдамида генотиплаш] текшириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор камқонлик хасталиги билан касалланган беморларда MDR1 гени C3435T полиморфизмининг СТ генотиби ТТ генотипига нисбатан ҳамда G2677T полиморфизмининг GG генотиби ТТ генотипига нисбатан ферротерапияга нисбатан даво самарали эканлиги исботланган;

темир танқислиги анемияси даво самарадорлиги MDR1 C3435T ва MDR1 G2677T генларининг ичак хўжайраларидаги темир моддасини ўзлаштириш даражасига таъсири билан боғлиги асосланган;

қон зардобидаги гемоглобин ва ферритин миқдорини MDR1 генининг C3435T полиморфизми CT генотиби ҳамда G2677T полиморфизми GG генотиби мавжуд беморларда уларнинг TT генотиплари мавжуд беморларга нисбатан индивидуал ирсий тафовутлар туфайли сезиларли даражада тикланганлиги аниқланган;

темир танқислиги анемияси мавжуд беморларни MDR1 генининг G2677T ва C3435T полиморфизмлари бўйича генотиплаш беморларга темир препаратини дозалаш тартиби, даво курси давомийлигини аниқлаш орқали анемияга қарши даво самарадорлигини ошириш ва ножуя таъсир ҳавфини камайтириш имкони асосланган;

дори воситаларидан ножўя таъсир ҳавфини олдини олишда уч-валентли темир препаратларининг ичакдан сўрилиши афзаллиги, гематологик кўрсаткичларни тиклашда икки ва уч-валентли темир препаратларининг жигарда ўзлаштирилиш хусусиятлари туфайли фойдаланиш бир хилда самарали экани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар:

оғиз орқали қабул қилинадиган темир препаратлари самарадорлигини фармакоиктисодий таҳлил қилиш асосида Fe II препаратларини Fe III препаратларига нисбатан "иктисодий самарадорлик" кўрсаткичи яхшироқлиги қайд этилган;

генетик тадқиқотлар асосида G2677T ва C3435T MDR1 генларининг ноёб гомозиготли TT генотиплари ва T аллелларини ташиш темир препаратлари Fe III ни қабул қилишда гемоглобин ва ферритин даражасининг пастроқ ўсишига сабаб бўлиши аниқланган;

Fe II препаратлари хусусан, Сорбифер Дурулес “секин ажралиб чиқувчи” механизмидан ташқари нисбатан анча юқори ножўя таъсирларга эгаллиги аниқланган;

темир танқислиги камқонлигини даволашда дори воситаларидан оқилона фойдаланиш моделини жорий этишнинг зарурий шарти сифатида тиббиётни бирламчи тизимида ишлаётган шифокорларни малакасини оширишни мунтазам ташкил қилиш билан бирга доимий фармакоэпидемиологик ва фармакоиктисодий таҳлилларни ўтказиш мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони ва материал танланганлиги қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, лаборатор ва статистик усуллар асосида аҳолини геногеографик тармоғини тузиш, самарадорлигини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир танқислик камқонлигини генетик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда касалликни клиник кечишининг ўзига хослиги, дори воситаларини қўллашда жавоб хусусиятлари MDR1 гени полиморфизмига боғлиқлигининг назарий жиҳатдан асосланганлиги, олинган натижалар, хулосалар ва таклифлар анемияни даволаш самарадорлигини башоратлашда ва дори воситаларини резистентлик сабабларини аниқлаш имкони яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фармакоэпидемиология ва фармакоиктисодий тадқиқот усулларини тиббиёт амалиётига жорий этиш худудий, ижтимоий ва иқтисодий омилларга қараб даволашнинг амалдаги тамойиллари ва стандартларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиниши. Аҳолиси орасида темир танқислиги камқонлигининг тарқалиши, фармакоэпидемиологияси, фармакоиктисодиёти ва фармакогенетикасининг асосий жиҳатларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

темир препаратларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Темир препаратларининг фармакоэкономик самарадорлигини баҳолаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 08 февралдаги 8н-р/111 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома темир танқислиги анемиясида турли гуруҳлардаги темир препаратлари мисолида уларнинг фармакоиктисодий самарадорлигини аниқлаш имконини берган;

темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда генлар полиморфизмининг даволаш самарадорлигига таъсирини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Темир танқислиги анемияси билан оғриган беморларда MDR1 гени полиморфизмининг ферротерапия самарадорлигига таъсирини баҳолаш” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 04 февралдаги 8н-р/102 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома темир танқислиги анемияси билан оғриган беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш, эрта ногиронликнинг олдини олиш имконини берган;

аҳоли орасида темир танқислиги камқонлигининг тарқалиши, фармакоэпидемиологияси, фармакоиктисодиёти ва фармакогенетикасининг асосий жиҳатларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар, соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро шаҳридаги 4-ва 6-сон оилавий поликлиникалари ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-клиникаси амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигини 2020 йил 19 декабрдаги 8н-д/66-сон хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш темир танқислик камқонлиги билан касалланганларни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 10 та, жумладан 8 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, ишнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ҳамда технологияларини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мувофиқлиги, шунингдек, тадқиқотнинг илмий аҳамияти ва амалий натижалари очиб берилган, уларнинг ишончлилиги кўрсатилган, илмий ҳамда амалий аҳамияти ҳамда тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, нашр этилган асарлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Темир танқислиги анемияси муаммосининг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи боби олтита кичик бўлимдан ташкил топган ва адабиётлар шарҳи акс эттирилган бўлиб, улар темир танқислик анемияси муаммосининг ҳозирги ҳолати тўғрисида маълумот беради. Темир танқислик анемияси фармакогенетикаси ва фармакоиктисодиёти, фармакоэпидемиологияси, патогенези, арид ҳудудлардаги экологик омиллар таъсири, эпидемиологик масалаларга бағишланган адабий манбалар таҳлили батафсил келтирилган. Ушбу бобда темир танқислик анемиясини даволаш ва олдини олиш бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг замонавий илмий ютуқлари мукамал баён этилган. Организмдаги темир метаболизми ва уни бошқариш механизмини ўрганиш соҳасида олиб борилган тадқиқотларнинг сўнгги натижалари тўғрисидаги адабиётдаги маълумотлар таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материал ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий хусусиятлари ва фойдаланилган тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот усули бирин-кетин келган куйидаги 4 босқични ўз ичига олади:

- сўнгги 10 йилдаги статистик маълумотларга кўра (республика ва минтақалар бўйича умумий бирламчи касалланиш) Ўзбекистон Республикасида темир танқислик камқонлиги тарқалишини эпидемиологик таҳлил қилиш босқичи;

- фармакоэпидемиологик тадқиқотлар босқичи - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида темир препаратлари таркибини таҳлил қилишни, уларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, дозалаш шакллари ҳамда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг амбулатория ва шифохона тиббиёт

муассасалари шароитида ушбу гуруҳ дориларни қабул қилиш йўллари таҳлили;

- фармакоиктисодий тадқиқот босқичи қаттиқ ва суяқ ҳолатдаги турли гуруҳдаги темир препаратлари самарадорлигининг қиёсий таҳлили;

- фармакогенетик таҳлил босқичи G2677T, C3435T MDR1 генлари полиморфизмининг турли хил шакллариининг тарқалиши ва уларни генотиплари ташувчиларининг темир препаратлари терапиясининг самарадорлигига таъсирини ўрганишни ўз ичига олади.

Фармакоэпидемиологик тадқиқотлар Бухоро давлат тиббиёт институтининг факультет ва госпитал терапия, гематология кафедрасида ўтказилди. Тадқиқот материаллари 2007 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда тўпланган расмий статистик ҳисобот, бухгалтерия ва ҳисобот ҳужжатлари, ахборот ҳамда таҳлилий материаллар маълумотларини ўз ичига олади. Материаллар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек республика вилоятларидаги вилоят, шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда тўпланди. Қашқадарё, Бухоро ва Навои вилоятларидаги, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги эпидемиологик вазиятни таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди.

Фармакоэпидемиологик тадқиқотда Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган темир танқислик камқонлиги профилактикаси ва даволаш бўйича темир препаратлари маълумотларини сўров-ахборот тарзида ўрганиш асосида контент таҳлиллар ўтказилди. Шунингдек, Бухоро вилоятининг 3 та оилавий поликлиникаларида енгил ва ўртача даражадаги темир танқислик камқонлиги билан касалланган 200 нафар беморнинг ҳамда Қашқадарё вилоятининг 3 та оилавий поликлиникасида 200 та енгил ва ўртача даражадаги темир танқислик камқонлиги билан оғриган беморларнинг амбулатория карталари ретроспектив ўрганиб чиқилди. Шифохона муассасаларида парентерал темир препаратлари билан ўтказилган терапияни фармакоэпидемиологик таҳлил қилиш Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гематология бўлимида ва Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида ўтказилди. Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидаги оғир даражадаги темир танқислик камқонлиги билан касалланган 100 нафардан, беморларнинг амбулатория карталари ретроспектив ўрганилди.

Фармакоэпидемиологик таҳлил қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказилди: “темир танқислик камқонлиги” аниқланиш сони; темир танқислик камқонлигини тасдиқлайдиган ташхисий мезонлар мавжуд бўлганда уни қўймаслик ҳолатлари сони; жараённинг белгиланган оғирлик даражасини баҳолашнинг мавжуд тавсияларга мувофиқлиги; темир препаратларини қўллаш сони; беморларни жисмоний ҳолати ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда темир препаратларини танлаш ва дозалаш; асосий терапиянинг ва парваришlash курсларининг давомийлиги; темир препаратини қабул қилишнинг хавфсизлиги; темир препаратлари билан ўтказиладиган муолажаларни назорат қилиш.

Бухоро вилоятининг амбулатор хизмат кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида темир препаратларининг фармакоиктисодий таҳлили

ўтказилди. Тадқиқотнинг олдинги босқичлари асосида ҳар бир темир препаратлари гуруҳи вакиллариининг энг кўп тарқалган гуруҳларидан биттадан препарат ажратиб олинди. Уларни биринчи гуруҳига Fe (III) асосидаги препарат - Феррум Лек, “секин ажралиб чиқадиган” механизмли Fe (II) бирикмаларига асосланган темир препарати - Сорбифер дурулес ва Fe (II) темир сульфати Гино-тардиферонлар кирди. Темир препаратининг иккинчи гуруҳига оғиз орқали қабул қилинадиган суяқ шаклдаги темир препаратлари киритилган, булар: Fe (III) асосида - Малтофер ва Fe (II) – Тотема бирикмалари. Учинчи гуруҳга парентерал қўллаш учун мўлжалланган темир (III) сахароза комплекси гидроксиди - Венофер ва темир (III) полималтоз гидроксиди асосида - Феррум Лек темир препаратлари киритилган. Парентерал темир препаратларини ўрганиш Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази гематология бўлимида амалга оширилди. Кузатувдаги беморлар 22 ёшдан 62 ёшгача бўлиб 22 аёл ва 8 эркак (ўртача ёши $40,5 \pm 24,1$ ёш) дан иборат эдилар.

Темир препаратлари терапияси самарадорлигини динамик баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олди:

- ферротерапия яқунланишидан олдин ва кейин умумий анемик синдромнинг намоён бўлишини визуал аналог шкалада баҳолаш;

- ферротерапия тугашидан олдин ва кейин визуал аналог шкалада темир препаратини қабул қилишдан келиб чиқадиган ножўя таъсирларнинг даражасини баҳолаш;

- ферротерапия яқунланишидан олдин ва кейин сидеропеник синдром даражасини махсус балл тизимига мувофиқ баҳолаш;

- ферротерапия самарадорлигининг лаборатория мезонларини баҳолаш.

Дори воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун иқтисодий - самарадорлик коэффициенти қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисоблаб чиқилди:

$$CER = DC+IC/ Ef$$

Бунда, CER – иқтисодий - самарадорлик коэффициенти (самарадорлик бирлигига мос келадиган харажатларни кўрсатади); DC – бевосита кетган харажатлар; IC – билвосита харажатлар; Ef - даволаш самарадорлиги.

Генетик тадқиқотлар Тошкент шаҳар перинатал марказидаги “ГЕНОТЕХНОЛОГИЯ” молекуляр-генетик лабораторияси базасида амалга оширилди. Тадқиқот 85 нафар беморда G2677T ва C3435T MDR1 генларининг полиморфизмини ўрганишни ўз ичига олди. Беморлар темир танқислик камқонлиги мавжудлигига қараб гуруҳларга ажратилди:


- асосий гуруҳ, темир танқислик камқонлиги билан касалланган 45 киши, 1 ой давомида бир хил дозада (100 мг) Fe III (Малтофер) қабул қилганлар.

- назорат гуруҳи қонда гемоглобин даражаси меъёрида бўлган 40 кишидан иборат бўлди.

Генотиплаш натижаларига кўра 2 гуруҳда GG, GT ва G2677T учун TT ҳамда, C3435T учун CC, CT ва TT каби турли хил генотипларни ташувчиларни фарқларини аниқлаш режалаштирилди. Генотиплаш натижалари ва лаборатория кўрсаткичлари динамикаси асосида асосий гуруҳдаги 45 нафар

беморда темир препаратлари қабул қилишнинг самарали таъсирини аниқроқ кўрсатадиган MDR1 генотиплари аниқланди.

Ўзбекистон Республикасида “2007 йилдан 2019 йилгача минтақада ҳамда ёш жиҳатидан анемия тарқалишининг хусусиятлари” деб номланган учинчи бобда Республикамизда ва ўрганилаётган 4 та вилоятда темир танқислик камқонлиги билан касалланишнинг батафсил эпидемиологик таҳлил натижалари баён этилган.




1-расм. 2007 йилдан 2019 йилгача умумий касалланиш кўрсаткичи динамикаси

2007 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасида 100 минг аҳолига нисбатан анемия билан касалланишнинг умумий кўрсаткичлари таҳлили 1-расмда келтирилган. Чизма кўрсаткичнинг сезиларли даражада пасайганлигини кўрсатади. Умумий касалланиш даражаси 100 минг аҳолига 20620 тани ташкил этди, 2008 йилда бу кўрсаткич бироз кўтарилгач, кейин унинг барқарор пасайиши бошланиб, бу жараён 2017 йилгача давом этди. 2018 йилда умумий касалланиш даражасида бироз ўсиш, яъни 100 минг аҳолига аввалги кўрсаткичларга нисбатан 13,837 гача кўпайганлиги қайд этилган. Шунга қарамай, чизма шуни кўрсатадики, 12 йил давомида касалланишнинг умумий даражаси деярли 33 фоизга пасайган. Шу билан бирга, ўртача 100000 аҳолига ҳар йили 816 тадан ҳолат камайиб бориши кузатилган ($R^2=0.9517$).

100 минг аҳолига нисбатан касалланишнинг умумий кўрсаткичи ёш гуруҳига қараб ҳисобланганда, болалар (14 ёшгача) ва ўспиринларда (15-17 ёш) катталарга нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Шундай қилиб, 2008 йилда жами анемиядан касалланиш 100 минг болага 22,6 мингтани ва 100 минг ўспиринга 22,9 минг ҳолатни ташкил этди. Катталарда эса бу кўрсаткич 19,3 мингга тенг бўлди. 2008 йилдаги ўсиш суръатларидан сўнг, кейинги 9 йил ичида болалар ва катталардаги умумий касалланиш барқарор равишда пасайган. Болаларда ўтган даврда кўрсаткичлар 28% га, катталарда эса 37% га пасайганлиги кузатилди. Шу билан бирга, йиллик регрессиянинг ўртача


қиймати 100 минг аҳолига нисбатан болаларда деярли 750 ($R^2=0.9211$) ва катталарда деярли 870 та ҳолатни ($R^2=0.947$) ташкил этди (2-расм).



2-расм. Турли ёш гуруҳларида 100000 аҳолига нисбатан камқонлик билан касалланишнинг умумий кўрсаткичлари динамикаси

Ушбу даврда ўспирин ёш гуруҳидаги умумий касалланиш динамикасида барқарор ўзгаришлар кузатилмади. Чизмада дастлабки 3 йил ичида касалликнинг илк давридаги 23% дан 2009 йилга келиб деярли 20% гача пасайиши кузатилганлигини кўриш мумкин. Кейинги 3 йилда кўрсаткичнинг бироз ўсиши кузатилди ва 2 йил ўтиб улар кескин пасайди, яъни 2014 йилга келиб энг паст кўрсаткич 100 минг ўспиринга нисбатан 19 минг ҳолатни ташкил қилганлигини кўриш мумкин. Бироқ сўнгги 4 йиллик кузатув давомида кўрсаткичнинг қайта ўсиши қайд этилди ва бу 2018 йилда ҳатто 2008 йилдаги дастлабки кўрсаткичдан ҳам ошиб кетди ва 100 минг ўспиринга 22,9 минг ҳолатни ташкил этди.


Минтақа миқёсида умумий касаллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, 2007 йилда анемия муаммоси III даражали аҳамиятга эга бўлган айрим вилоятларда ($\geq 40\%$) 12 йил ичида у ўрта даражага ўтди. Темир танқислик камқонлиги тарқалишининг минтақавий хусусиятлари Навои вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида касалликнинг юқори даражаси билан ифодаланади. Бу ҳудудларда 2007 йилда ушбу касаллик деярли ҳар иккинчи одамда аниқланган. Сўнгги 12 йил ичида қайд этилган минтақаларда касалланиш кўрсаткичларининг сезиларли пасайишига эришилди, аммо Қорақалпоғистон Республикасида кўрсаткичлар ҳали ҳам Ўзбекистоннинг ўртача кўрсаткичларидан деярли 2 баравар юқори (3-расм).




3-расм. 2007 ва 2019 йилларда энг муаммоли минтақаларда ва умуман бутун республикада 100 минг аҳолига нисбатан темир танқислик камқонлиги билан касалланишнинг умумий кўрсаткичи

“Бухоро ва Қашқадарё вилоятлари амбулатория ва шифохона муассасаларида темир препаратларининг фармакоэпидемиологик таҳлили” деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида Ўзбекистон бозоридаги темир препаратлари таркибини таҳлил қилиш натижалари ва темир танқислик камқонлиги диагностикаси, даволаш рецепти, амбулатория ва шифохона муассасалари шифокорлари томонидан темир препаратлари ва уларнинг дозаларини танлашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.


Fe (III) ning Fe (II) ga умумий нисбати



Хорижий Fe (III) ning Fe (II) ga нисбати



Маҳаллий Fe (III) ning Fe (II) ga нисбати




4-расм. Темир препаратларида Fe (II) улшининг Fe (III) ga нисбати

4-расмда мамлакат бозорида мавжуд бўлган умумий темир препаратлари орасида Fe (III) асосидагиларнинг улуши кўрсатилган. Олинган маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, Fe (III) асосидаги темир препаратларини ишлаб чиқариш фармацевтика компанияларининг устувор вазифасига айланган ва улар Fe (II) темир препаратлари маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқаришни давом эттиришмоқда.

Беморларга буюрилган темир препарати таҳлили шуни кўрсатдики, амбулатория муассасаларида перорал дорилар орасида Fe (II) препарати умумий воситаларнинг 60% миқдоридида қўлланилиши жиҳатидан олдинда ҳисобланади. Қашқадарё вилоятида эса шифокорлар оғиз орқали қўлланиладиган Fe (III) дан кўпроқ фойдаланганлар (4-расм).

Беморларнинг қонидаги ўртача гемоглобин даражасига қараб, 2 та вилоятда темир препаратларини қўллашнинг таҳлили шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда шифокорлар уни буюришда асосий мезон сифатида гемоглобин кўрсаткичини ҳисобга олишган. Шундай қилиб, қаттиқ дори шакллари, одатдагидек, гемоглобин даражасига қараб 115-100 г/л, оғиз орқали қабул қилиш учун суюқ дорилар (сироплар, эритмалар) гемоглобин даражасига қараб 100-90 г/л, мушак орасига юбориладиган эритмалар гемоглобин даражасига қараб 90-80 г/л, вена ичига юбориш учун эритмалар эса гемоглобин даражасига қараб 80-70 г/л (5-расм) дан қўлланилган.



5-расм. Гемоглобин даражасига қараб темир препаратларини тайинланиши

Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида амбулатория шароитида даволанган беморларда темир танқислиги камқонлиги терапиясини фармакоэпидемиологик таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, иккала минтақада ҳам, аввалги бобда таҳлил қилинган, аҳоли орасида темир танқислик камқонлиги тарқалишидаги сезиларли фарқларга қарамай касаллик диагностикаси ва даволаш кўрсаткичларида ўхшаш ҳолатлар қайд этилди. Иккала вилоятда ҳам амбулатория шароитида шифокорлар аксарият ҳолларда

темир танқислиги анемияси ташхисини фақат қондаги гемоглобин даражасига асосланиб кўйишлари аниқланди. Шу билан бирга, эритроцитлар морфологияси ва ферритин даражаси билан тасдиқланган ташхис ҳолатларининг нисбати айниқса ҳомиладор аёлларда диққатга сазовор бўлишига қарамай анча паст бўлиб чиқди.

Натижаларга кўра, амбулатория шифокорлари ҳамон беморларда ўртача гемоглобин кўрсаткичлари жуда паст ва ферротерапияга эҳтиёж борлигига қарамай енгил темир танқислик камқонлиги ҳолатларида темир препаратларини буюриш ўрнига, парҳез бўйича тавсияларни афзал кўришади. Темир препаратларини қўлланилиши таҳлили шуни кўрсатдики, Fe (II) ва Fe (III) нинг улуши иккала вилоятда ҳам турлича бўлиб, бу, эҳтимол, маълум темир препаратининг реклама тарғиботи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Муайян бир гуруҳга нисбатан сезиларли қонуниятлар ёки ноаниқликлар топилмади. Шунга қарамай, темир препаратларини тайинлашда амбулатория муассасалари шифокорлари витаминлар билан бирлаштирилган дори-дармонларга эмас, балки монопрепаратларга кўпроқ таяниши аниқланди. Вояга етган ёшдаги беморларни даволаш учун препарат шакллари танлашда шифокорлар аксарият ҳолларда таблеткалар ва капсулалар каби қаттиқ дориларни афзал кўришади.

“Темир препаратлари самарадорлигининг фармаиктисодий таҳлили” деб номланган бешинчи бобда нархи, лаборатория ва клиник самарадорлиги ҳамда қўллашга қулайлигидан келиб чиқиб турли хил дори шаклидаги темир препаратлари самарадорлигининг клиник-иктисодий таҳлили натижалари тавсифланган.

1-жадвал

Темир препаратларини қабул қилишда ножўя таъсирлар ва Hb ўсиш даражаси бўйича фармакоиктисодий самарадорлиги таҳлили

Препарат ва беморлар сони	Визуал аналог баҳолаш жадвали бўйича ножўя таъсирларнинг даражаси (балларда)	Hb ўсиш кўрсаткичи даражаси (г/л)	Даволанишнинг нисбий нархи (сўмда)
	M±m	M±m	
Сорбифер дурулес n=19	3,47±0,51	32,05±6,35	216000
Феррум Лек n=21	3,33±0,48	29,52±2,06*	268000
Гино-тардиферон n=21	5,95±0,8*	32,57±1,24	224000

Изоҳ: * - қиёсий препаратларни натижаси билан таққослаганда фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли (P<0.05);

1-жадвалда текширилган темир препаратининг салбий таъсири даражасининг қиёсий хусусиятлари, уларнинг ҳар бирдан фойдаланиш билан Hb нинг ўсиш суръати ва даволашнинг тахминий харажатлари келтирилган. Темир препарати салбий таъсирининг даражаси “визуал аналог баҳолаш жадвали” бўйича баҳоланиб, баллардаги мақбул юқори қиймат 10 балл

бўлганда 5 балл мақбул деб ҳисобланди. Жадвалда келтирилганидек, ўрганилган темир препаратларидан атиги иккитаси – Феррум Лек ва Сорбифер дурулесда препарат салбий таъсирининг мақбул даражаси мавжуд. Гинотардиферонни қўллашда ножўя таъсирларнинг даражаси ўртача $5,4 \pm 0,7$ баллни ташкил этди ва бу ҳам ўз навбатида яхши кўрсаткич (айниқса темир препарати Fe (II) учун).

Бироқ Феррум Лек да салбий таъсирлар даражаси паст бўлса ҳам, Нв кўрсаткичларининг ошиши ва даволаш харажатлари жиҳатидан у бошқа темир препаратлари Fe (II) ларга нисбатан анча ноқулай. Жадвалда келтирилган учта асосий мезон бўйича энг самарали ягона дори бу Сорбифер дурулес бўлиб, у Нв нинг энг юқори даражада ўсишида ва даволанишнинг ўртача нисбий нархида анча қулай, шунингдек препаратни қўллашдаги ножўя таъсирларнинг мақбул даражасига эга. Темир препарати Fe (II) нинг бошқа турлари ҳам даволаниш учун нисбий харажатларнинг ўртача ёки паст даражасига ва Нв даражасини оширишнинг анча юқори салоҳиятига эга, лекин улар айти пайтда ножўя таъсирларнинг кўрсаткичи бўйича самарасиз деб топилди.

2-жадвал

Темир препаратининг суяқ шакллари қабул қилишда ножўя таъсирларнинг даражаси ва Нв ўсиш тезлиги бўйича фармакоиктисодий самарадорлик таҳлили

Препарат ва беморлар сони	Визуал аналог баҳолаш жадвали бўйича ножўя таъсирларнинг даражаси (балларда)	Нв ўсиш кўрсаткичи (г/л)	Даволанишнинг нисбий нархи (сўмда)
	M±m	M±m	
Тотема n=18	$5,61 \pm 1,09$	$31,05 \pm 1,3$	372000
Малтофер n=12	$3,5 \pm 0,52^*$	$27,67 \pm 1,72^*$	368000

Изоҳ: * - қиёсий препарат натижаси билан таққослаганда фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($P < 0.05$);

2-жадвалда темир препаратининг суяқ шакллариининг ножўя таъсирлари даражасининг қиёсий хусусиятлари, уларнинг ҳар бирини қабул қилаётанда Нв ўсиш суръатлари ва даволашнинг нисбий нархлари келтирилган. Темир препаратлари салбий таъсирининг даражаси “визуал аналог жадвали” бўйича баҳолашиб баллардаги 10 балли қийматдан 5 балл мақбул деб ҳисобланди. Жадвалда келтирилганидек, темир препаратининг ўрганилган суяқ шаклларида бири Малтофер – темир препарати Fe (III) нисбатан камроқ ножўя таъсирларга эга, айти пайтда Тотема препарати Fe (II) эса ўртача даражадаги $5,61 \pm 1,1$ балли ножўя таъсирлари мавжуд.

Ножўя таъсирларининг юқори даражасига қарамасдан, Тотема Нв ўсишининг анча юқори кўрсаткичини таъминлайди. Бундан ташқари, ушбу препарат билан даволашнинг нисбий нархлари ҳам анча юқори. Демак, учала кўрсаткич солиштириб баҳоланса, темир препарати Fe (III) - малтофер энг мақбули эканини кўриш мумкин.

